



# ТАДБИРКОР

**БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЎЗ ОЛДИГА АНИҚ МАҚСАДЛАРНИ ҚЎЙГАН ТАДБИРКОРЛАР САФИ ОРТИБ БОРМОҚДАКИ, АЛБАТТА УЛАР ЎЗЛАРИ ТАЙЁРЛАГАН РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ХАРИДОР ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШ БАРОБАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИГА ҲАМ МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДАЛАР.**

### Тадбиркорлик

## АНИҚ МАҚСАДЛАР АСОСИДА

жий линиялар қувватидан самарали фойдаланиш низоҳатда қўл келмади. Албатта, корхонамиз меҳнат ахлига етарли шарт-шароитларни яратиб бериш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш самарадорлик ортисида юксак аҳамиятга эга. Шу боис ҳам бу борадаги ишларимизни кўнгилдагидек адо этаямиз. Натижаси эса маҳсулот сифатида, иш унумида ўз аксини топапти.

Корхона муваффақиётлари хусусида тўхталадиган бўлса, 2006 йилда Олмата шаҳрида бўлиб ўтган «2006 йил Ўзбекистон бозоридagi энг яхши маҳсулот» халқаро танловда иштирок этиб, юксак мукофот — олтин медални қўлга киритишди. Шунингдек, «TNT PRODUCTIONS INC» халқаро Кўргазмалар ташкилоти томонидан ўтказилган 11-халқаро кўргазмада ҳам корхона ўз маҳсулотларини намойиш этиб, сифат сертификати эга бўлди. Корхона тадбир-

корларнинг бундай ярмарка ва танловлардаги иштироки фойдали шартномалар тузишда, маҳсулот турларини оширишда самара бермоқда.

Албатта, бозор талаби асосида иш юритиб, маҳсулотлар турларини кўпайтириш, харидорларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун илгор технологияларни қўллаган ҳолда замонавий дастгоҳ ва ускуналар унумини таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш лозим бўлади. Корхонада бу имкониятлардан оқилона фойдаланилди. Шунингдек, баробарида янги йўналишларда ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари турларини кўпайтириб, аҳоли дастурхонини безаш, иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўйиш асл мақсадлар сирасидандир.

Мақсадларни амалга ошириш учун эса, шубҳасиз иланишларимиз давом этмоқда, хорижий ҳамкорлар билан ҳам мулоқотлар олиб

борилмоқда. Тадбиркорлар яқин келгусида Италия ҳамда Хитой давлатидан технология линиялар келтириб, янги цехларни ишга тушириш саёй-ҳаракатида. Ушбу цехларда чўчара ҳамда печенье тайёрлаш йўлга қўйилади. Натижада яна ўнлаб ёшлар иш билан таъминланади.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Ириқ саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросига ҳисса қўшиш мақсадида касаначилар сафини ҳам кенгайтириш қўзда тутилган. Хозирда корхонада 3 та касаначи ишчи ўринлари бўлиб, уларга шарт-шароитлар яратилган. «Иланганга толе ёр» нақлига амал қилган тадбиркорлар бугун янгиликлар яратиш, муваффақиётларини ошириш йўлида астойдил изланишмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА:** корхона цехларида меҳнат қилаётган ишчимизнинг сифатни таъминлашдаги хизматлари катта. **Максим Черногоев олган суратлар**



Ана шундайлар сафидан ўрин олган «MAKIS BARAKA» масъулияти чекланган жамияти пойтахтимизда 2005 йилдан бўён фаолият кўрсатиб келмоқда. Лекин шу ўтган қисқа давр мобайнида «Makis» савдо белгиси остида чиқарилаётган макарон маҳсулотлари ички бозорда муносиб ўрин топди, бунинг асосий боиси маҳсулот сифати ҳамда кадоқланишига қаратилган юксак эътибор самарасидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонада бугунги кунда 20 хил номдаги макарон маҳсулотлари тайёрланиб, 24 нафар малакали мутахассис Италия технологияларини қўллаган ҳолда сифатни таъминлайди. Корхонада маҳсулот лаборатория хизмати йўлга қўйил-

### Анжуманлар

## РАҚОБАТ — ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЎЗАРО ЭРКИН РАҚОБАТ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. РАҚОБАТ БЎЛМАС ЭКАН, ИҚТИСОДИЙ ҲАМ БЎЛМАЙДИ. ШУ БОИС ҲАМ РАҚОБАТНИНГ РИВОЖИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИГА ФОЙДА БЎЛАДИ. ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ҚАНЧА КЎПАЙСА, РАҚОБАТ ҲАМ РИВОЖЛАНАВАДА.**

Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳам соғлом рақобат муҳитини яратиш билан боғлиқ бўлиб, рақобатсиз бозор иқтисодиётини тасаввур этиш ҳам мумкин эмас. Рақобат — бу ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг ўртасида товар (хизмат)ларни қўлай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нарҳда, катта ҳажмда сотиш ва шу йўсинда мусобақада ғолиб чиқиш жараёни кечади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида «Республика ички бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш вазифалари ва муаммолари» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам юқоридаги фикрлар билдирилди. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган ушбу анжумани республика Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Абдувоҳид Абдурашидов олиб борди.

Мазкур анжуманда аввало иштирокчиларга амалга оширилган ва режалаштирилаётган вазифалар хусусида батафсил маълумот берилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1992 йилда қабул қилинган «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Қонун мамлакатимизда монополияга қарши ва рақобат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишга асос бўлди. Ушбу Қонун чет эл мамлакатларининг ушбу соҳадаги тажрибаси ва Ўзбекистон иқтисодиётининг ўтиш давридаги ҳолати ҳамда ҳуқуқий тизимининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Бозорга янги ишлаб чиқарувчиларнинг кириши, маҳсулот сотиш бозорининг кенгайиб бориши натижасида бозорнинг таркиби ўзгариб, уларнинг монополияшиқ даражаси пасаймоқда. Натижада аввал устун даражага эга корхоналар реестрдан чиқарилмоқда. Айтиш жоизки, 7500 дан ортиқ товар бозорлари таҳлил қилиниб, унинг натижаларига кўра монополиядан чиқаришни тarmoқ ва минтақавий дастурлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Монополиядан чиқариш дастурларини ишлаб чиқилган қўзланган асосий мақсад йирик корхоналарни таркибий ўзгартириш, бозор инфратузилмасини барпо қилиш ва ривожлантириш, тадбиркорликни рағбатлантириб, муштарак ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқариш, товарлар ва хизматлар бозорларининг монополиядан соҳаларида рақобат муҳитини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдир. Бундай дастурларнинг амалга оширилиши алоҳида олинган товар бозорларида устун мавқега эга бўлган корхоналар сонини сезиларли даражада қисқартириш имконини беради.

Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, мамлакатимизда монопол корхоналарнинг сони 1997 йилда 827 тадан жорий йилнинг 9 ойида 158 тага қисқариб, монопол маҳсулотларнинг турлари эса 4351 тадан 158 тага камайди. Яъни ички маҳсулотда монопол маҳсулотларнинг улushi фақат охириги уч йил ичида 25,7 фоиздан 21,7 фоизга пасайганини таъкидлаш жоиз. Бозорга эркин кириш, маҳаллий хом ашё ресурсларининг мавжудлиги ҳамда маҳсулотларнинг харидорлиги салқин

ичимликлар, нон, қандолат товарлари ва музқаймоқ, гўшт-сут ишлаб чиқариш, енгил саноат маҳсулотлари бозорларида рақобатнинг ривожланишини таъминлади.

### Сўранг, жавоб берамиз

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, чиндан ҳам республикамиз мустақилликка эришган, чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда ташкил этилган қўшма ва хорижий корхоналар сафи кескин ортди. Бунинг асосий боиси урғунлашди хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар, ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган муҳим эътибор ва қўлай инвестицион муҳитдир.

Хорижий корхона хусусида тўхталадиган бўлса, у юридик шахс бўлиб, унинг низоми капиталда фақат хорижий капитал ишлатилади. У хорижий инвестор томонидан бевосита таъсис этилиши ёки республикадаги мулк эгаларидан конвертацияланувчи валютага сотиб олинган мулк асосида ташкил қилиниши мумкин.

## ҚАНДАЙ ХУСУСИЯТЛАРГА ЭГА?

**Бугунги кунда мамлакатимизда қўллаб-қувватланган хорижий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?**

Республикамиз ҳудудида жойлашган, акция (улуш, паё)ларнинг ёки устав фондининг 100 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этган корхоналар хорижий корхоналар деб айtilлади. Улар мамлакатимиз конунчилигига зид бўлмаган ҳар қандай ташкилий ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатади.

### Гулнора Пўлатова, Нозим Умаров, касб-хунарс коллежи талабалари

Солиқ имтиёзлари эса амалдаги конунчилик доирасида жорий қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда пойтахтимизда ҳам жуда қўллаб-қувватланган хорижий корхоналар фаолият кўрсатиб, уларда ўнлаб маҳаллий ёшлар меҳнат қилишмоқда. Эътиборлиси эса мазкур корхоналарда замонавий техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган сифатли ҳамда рақобатбардош товарлар хорижий давлатларга экспорт қилинаётганидир. Уларни ишлаб чиқаришда эса маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланилмоқда.

**МЕБЕЛЬ САЛОНЛАРИДА ХАРИДОРЛАРГА ТОРТИҚ ЭТИЛАЁТГАН РАНГ-БАРАНГ ЗАМОНАВИЙ МАҲСУЛОТЛАР ҚЎРНИШИ, ДИЗАЙНИ, МУСТАҲКАМЛИГИ БИЛАН МЕБЕЛСОЗЛАРНИНГ БУГУНГИ ИЗЛанишларидан ЁРКИН ДАЛОЛАТ БЕРИБ ТУРИБДИ. ЭНГ АСОСИЙ ЭСА СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ, ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ БУНДАЙ МЕБЕЛЬ ТУРЛАРИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТганидир.**

### Кичик бизнес

## ЎЗ ИШИНING УСТАЛАРИ

Сергели туманида фаолият кўрсатаётган «BMB ISHONCHLI BISNES» масъулияти чекланган жамияти ҳамда ички йиллик қисқа фаолияти давомида ички бозорда ўз харидорларига эга бўлиб бормоқда. Бу ерда замонавий технологиялар асосида охинона мебеллари ҳамда ранг-баранг стул маҳсулотини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, товарлар шартнома асосида похтаимиздаги мебель салонлари орқали харидорларга етказиб берилади ҳамда бюрматчиларнинг талаблари қондирилади.



— Асосий мақсадимиз тадбиркорлик билан иш юритиб, шарт-шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда сифатли ва рақобатга чидамли мебель маҳсулотлари тайёрлашдир, — дейди корхона менежери Бахтиёр Шарипов. — Мебельларни тайёрлашда уста мебелсозларимиз асосан маҳаллий ҳамда хорижий хом ашёлардан унумли фойдаланишди. Дизайнерларимиз нафақат ички, балки ташқи бозорни ҳам тинмай ўрганиш асосида маҳсулот турларини яратишди. Ташқи бозорни ўрганиш импорти ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга бардош бера оладиган корхона мутахассислари келгусини кўра билишлари лозим. Ишда сифат асосий мезон бўлганина муваффақиётга эришилди. Шу боис ҳам биз ҳар бир маҳсулотни ўзига хос тарзда тайёрлашга интиламиз.

Корхонада бугунги кунга келиб 28 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Кундан кунга турлари ортиб бораётган стуллар, юмшoқ мебель ва ўриндиқлар, охинона жиҳозлари уларнинг баракали меҳнатлари маҳсули ҳисобланади.

Хозирги пайтда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳсулотнинг харидор талаб ва дидидаги турларини кўпайтиришни мақсад қилган тадбиркор жамоа аҳли Туркиядан янги дастгоҳ келтиришди. Ана шу дастгоҳларнинг цехларга ўрнатилиши ишлаб чиқариш ҳажми ортиши ва маҳсулот турлари ҳам кўпайишини таъминлайди. Улар ишлаб чиқариш ҳажмини йилга 80 миллион сўмга етказишга ҳаракат қилишмоқда. Стул турлари эса 2 бараварга ортиб 10 хилга етади. Шу билан биргаликда, энг муҳими қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилган.

Халқимизда «Иш биланган минг танга» деган ажойиб нақл бор. Унга ўз фаолиятларида амал қилаётган мебелсозлар ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиб, бозорни тинмай ўрганишмоқда. Бу эса бозорда муносиб ўрин эгаллашларида, албатта, ўз самарасини беради.

**Шарофат БАХРОМОВА СУРАТДА:** корхонада ўз ишининг усталари меҳнат қилишди **Хусанбой Аввалов олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда). Малайзия Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 1 январь куни тан олган ва дипломатия муносабатлари 1992 йил 21 февралда ўрнатилган. 1993 йил июнь ойида Тошкентда Малайзия элчихонаси очилди. 1999 йил декабрь ойидан бошлаб Малайзияда Ўзбекистон элчихонаси фаолият юритмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар ва ўзаро манфаатли муносабатлар пойдевори Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1992 йилда Малайзияга буюрган расмий ташифи ва Малайзия Бош вазирли Махатхир Мухаммадининг 1993 йилда Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташифи чоғида қўйилган. 2003 йилда Ўзбекистонга Малайзия қироли Туанку Сайёд Сирожуддин Сайёд Жамалуллаи ташиф буюрди.

2005 йил 2-4 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов давлат ташифи билан Малайзияда бўлди. Мазкур ташиф доирасида умумий қиймати 400 миллион АҚШ доллари тенг бўлган ўзаро савдо ва сармоявий битимлар имзоланган бўлиб, улар ахборот технологиялари соҳасида қўшма корхоналар ташкил этиш, электротехника саноати, машиий электроника, мебель ва тукимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сийёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутди. Икки мамлакат ўзаро муносабатларининг шартнома-ҳуқуқий асосларини 16 та ҳужжат ташкил этади.

Малайзия Ўзбекистоннинг Жануби-шарқий Осиёдаги энг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири. 2007 йилда ўзаро савдо айланимаси 33,3 миллион АҚШ доллари га етди. 2008 йилнинг тўққиз ойи давомида эса бу кўрсаткич 2007 йилги кўрсаткичдан ошиб кетиб, 36,4 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида Малайзия сармояси иштирокидаги 22 та корхона фаолият юритиб, уларнинг учтаси юз фоизлик Малайзия маблағи ҳисобида ташкил этилган. Улар орасида, жумладан, нефть ва газ қазиб олиш соҳасида фаолият юритувчи «УзМалОйл» қўшма корхонаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси учун парвоз пайтида йўловчиларни оқатлантириш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона, тукимачилик соҳасида фаолият юритаётган «Малика Тизлвэй», мебелсозлик соҳасидаги «Файз Минг Плаза» қўшма корхоналарини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Малайзиянинг «Петронас» давлат компанияси 2005 йилдан буюр ол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмида нефть ва газ конларидан маҳсулот қазиб олиш мақсадида ташкил этилган консорциумда иштирок этиб келмоқда. Бундан ташқари, «Петронас» мамлакатимизнинг жанубида амалга оширилаётган лойиҳаларда ҳам иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида нефть ва газ захираларини қидириб топиш, қазиб олиш ва қайта ишлаш, савдо-воситачилик, ахборот технологиялари соҳасида маблағ таъминловчи кўрсатиш соҳаларида фаолият юритаётган Малайзиянинг олтига компанияси аккредитациядан ўтган.

Икки мамлакат жамоатчилик доиралари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш мақсадида 1998 йилда Тошкентда «Ўзбекистон — Малайзия» дўстлик жамияти ташкил этилди.

Сўнгги йилларда таълим соҳасида икки томонлама алоқаларнинг сезиларли даражада ривожланиши кузатишмоқда. Имзоланган англашув меморандумлари доирасида «Истеъдод» жамғармаси билан Малайзия Оқиқ Университети ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари университети билан Малайзия мультимедия университети ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. 2007 йил кунда ва 2008 йил баҳорда Тошкентда Малайзиянинг Йигирмага яқин олий ўқув юртлиари иштирок этган Малайзия таълим ярмаркаси бўлиб ўтди.

Малайзия ҳукумати Ўзининг техник ҳамкорлик дастури доирасида ўзбекистонлик мутахассисларнинг ўқишини ташкил қилиб келмоқда. Бугунги кунгача ўзбекистонлик 300 нафардан зиёд мутахассис ушбу дастур орқали турли курс ва анжуманларда иштирок этди.

Ўзбекистон ва Малайзиянинг тарихий-маданий ўқшашлиги ҳамда мамлакатларимизнинг ривожланган сийёҳлик инфратузилмаси икки томонлама ҳамкорликнинг чуқурлашиб боришида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Малайзия вакиллари Самарқанда ўтказилган «Шарк тароналари» фестивалида мунтазам иштирок этиб келадди. 2007 йилда Жохор Бару штатининг «Газал Сери Махарани» анъанавий миллий мусиқа гуруҳи танловда учинчи ўринни олишга муяссар бўлган.

Малайзия Бош вазирли Абдулла бин Ҳожи Аҳмад Бадавнинг Ўзбекистонга буюраётган расмий ташифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг келгусидаги ривожланиши ва чуқурлашишига хизмат қилади. **Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА.**

### Тиббиёт

## КАФЕДРАЛАР ФАОЛИГИДА

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА ЎТКАЗИЛГАН НАВБАТДАГИ АНЖУМАН УМУМИЙ АМАЛИЙ ШИФОКОРЛАРИ ВА СТОМАТОЛОГ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ. УНДА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ОЛИМЛАРИНИНГ ШУ ЙЎНАЛИШДА ЯРАТГАН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМАЛАРИГА ИЖОБИЙ БАҲО БЕРИЛДИ.**

Академиянинг умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кафедраси изланишлари ҳам сарҳисоб қилинди. Бирламчи бўлин қишлоқ врачлик пункти моделини яратиш жараёни ҳам анжуман иштирокчилари эътиборини ўзига тортиди.

Терапевтик стоматология кафедраси томонидан талабаларга тақдим этилган янги ўқув-услубий қўлланмаларни оммалаштириш тадбирлари ҳам қўрилди.

## ЯНГИ ТАЪЛИМИЙ ДАСТУР

**ЖАНУБИЙ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДАН ОЛИБ КЕЛИНГАН САНИТАРИЯ АВТОМОБИЛЛАРИДАН ТЕЗКОР ТИББИЙ ХИЗМАТДА КЕНГ Фойдаланилмоқда.**

Бундай тиббий транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, уларни бошқаришни кенг йўлга қўйиш мақсадида мутахассис кадрлар малакасини ошириш курслари ташкил этилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент Автомобиль йўллари институти ҳамкорлигида тайёрланган ўқув дастури машғулотларни олиб боришда асос қилиб олинди. **Ақбар АЛИЕВ**

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи

қабул қилинган кун

ВАТАН КАБИ АЗИЗ ВА МУҚАДДАС

ОДАТДА ҲАР БИР ДАВЛАТ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНДАН СЎНГ ҲАҚБИ РАМЗИЙ БЕЛГИЛАРИГА ЭГА БЎЛАДИ. БУНДАЙ БЕЛГИЛАР СИРАСИГА ДАВЛАТ БАЙРОҒИ, ГЕРБИ ВА МАДҲИЯСИ КИРАДИ.

Юқорида таъкидланганидек, байроқ давлат рамзларидан бири бўлиб, у юрт муҳаббатини, куч-қудратининг тасвиридир. Ҳар бир давлатнинг байроғи ўша мамлакат халқининг тарихий анъаналарини, мақсад-муқддас ва орзу-уйларини, 33гунгун кўнглини ўзида ақс эттирилади.

Муқтаб давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахлсизлигини ақс эттирган байроқни яратиш гоёси жуда қадим замонларда тузилган. Ҳар замонларда байроқлар ҳайвон териси ёки қўш патларидан асалган. Байроқларда турли жонзалар тасвири ақс эттириш анъанаси ана шундан далолат беради.

Байроқлар халқлар ҳаётида содир бўлган энг муҳим ҳодисалар моҳиятини билиб олишнинг муҳим воситасидир. Ҳар замонларда байроқлар ҳайвон териси ёки қўш патларидан асалган. Байроқларда турли жонзалар тасвири ақс эттириш анъанаси ана шундан далолат беради.

Муқтаб давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахлсизлигини ақс эттирган байроқни яратиш гоёси жуда қадим замонларда тузилган. Ҳар замонларда байроқлар ҳайвон териси ёки қўш патларидан асалган. Байроқларда турли жонзалар тасвири ақс эттириш анъанаси ана шундан далолат беради.

Президентимиз Ислам Каримовнинг мардона фаолиятини, дадил ташаббусини алоҳида таъкидламоқ зарур. Зеро, Юртбошимиз ташаббуси билан ҳали собиқ иттифок, унинг куч-қудрати, сиёсати, давлат рамзлари амалда турган байроқ пайтда, муқтаб давлати эришишимиздан 17 ой илгари, 1990 йил март ойида бўлган парламент сессиясида давлат рамзлари ҳақидаги масала муҳокама қилинган эди. Ҳар йили 20 июнда қабул қилинган муқтаб давлат Декларациясида Ўзбекистон ўзининг тарақиёт йўлини, ўз номини белгилашда байроқ, герб, мадҳия каби рамзларини ўзи таъсис этажаги қайд этилади.

Давлатимиз байроғи — бизнинг суверенитетимиз, ўткирлик, бугунги кунимиз ва келажакимиз рамзидир. Давлат байроғининг ҳуқуқий асоси «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун билан муштаҳамланган.

Давлат байроғимиз тўғрисида фикр юритар эканмиз, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг мардона фаолиятини, дадил ташаббусини алоҳида таъкидламоқ зарур. Зеро, Юртбошимиз ташаббуси билан ҳали собиқ иттифок, унинг куч-қудрати, сиёсати, давлат рамзлари амалда турган байроқ пайтда, муқтаб давлати эришишимиздан 17 ой илгари, 1990 йил март ойида бўлган парламент сессиясида давлат рамзлари ҳақидаги масала муҳокама қилинган эди. Ҳар йили 20 июнда қабул қилинган муқтаб давлат Декларациясида Ўзбекистон ўзининг тарақиёт йўлини, ўз номини белгилашда байроқ, герб, мадҳия каби рамзларини ўзи таъсис этажаги қайд этилади.

Мамлакатимизда истиқомат қилувчи ҳар бир инсон, ўзини «ватанпарварман» деган ҳар бир фуқаро энг аввало бебаҳо ижтимоий-сиёсий қадриятларимиз бўлган давлат рамзларини билиши ва ҳурмат қилиши шарт.

«Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири, — деб таъкидлайди Юртбошимиз, — миллий гуруҳимизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир».

Давлат рамзлари, шу жумладан Давлат байроғи Ватан каби азий ва муқаддасдир. Уларда халқнинг бутун тарихи, бугун ва келажакги ўз ифодасини топади. Давлат байроғимиз Ўзбекистон Республикасининг рамзи бўлиб, халқимизнинг

тимсолига айланди ва унинг ифтихори, гурури бўлиб келмоқда. Бугун буни ҳар биримиз, ҳоҳ ёш, ҳоҳ ёши улуг бўлсин, қучур англаб етмоғимиз керак.

Биз, ёши улуглар ўсиб келаятган ёшларимиз онги — шурида Ватаннинг озодлик рамзи — байроғи билан гурурланиш хиссини тарбиялаб бормоғимиз лозим. Ана шундангина Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисидаги қонуни бандларини бажарган бўла-миз.

Йиллар ўтар, асрлар ўтар, озодлик ва эркимиз рамзи бўлган байроғимиз абадулад ҳақон узра баланд ҳилпираб, миллий гуруҳимизни юксалтиришга хизмат қилади. Чунки давлат байроғи халқни бирлаштириди, ҳар бир фуқарода Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни кучайтиради.

Шавкат ҲУБОВ, Тошкент автомобиль ва йўллар қасб-хўнақ коллежи матбуот хизмати бошлиғи



СИРЛИ ОЛАМ



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

Англиялик тиббиёт ходимлари томонидан ўн беш йил давомида ўтказилган тадқиқотлар билан танишиб, офёнинг узунлиги юрак қон-томир касалликларига мойиллик туғдиради, деган хулосага келиш мумкин. Тана аъзолари номутаносиб жойлашган калта оёқлиларнинг ҳар тўрт нафаридан бирини қанд касаллигига мойиллик борлиғи аниқланди. Уларнинг қониди ёғнинг юқори даражада тўпланиши кузатилади. Фиброген моддаси ҳам бундай кишиларда бир-мунча кўп. Булар томирда қоннинг ивиб қолишига олиб келади. Болалик йилларида сифатли овқатланганлар узун оёқли бўлишар экан. Тадқиқотлар натижалари бундай кишилар ҳам айрим касалликлардан фориг эмаслигини кўрсатди. Яъни, офёнинг узунлиги юқорида таъкидланганидек, юрак қон-томир хасталиқларининг пайдо бўлишидан далолатдир. Бу ҳақда Германияда чиқадиган «Натур» журнали хабар беради.

Маълумки, шилликсимон денгиз жониворлари саккиз километр чуқурликда яшашади. Бундай чуқурликда ҳарорат цельсий бўйича ноля даражага, босим эса 800 атмосфера ўлчамига етади. Pseudoliparis amblystomopsis баллиқлари бежизга сув тубида яшайди. Негаки, юқорида олиб чиқилгудек бўлса, улар пуфақдек ёрила бошлайди. Шу босимда, бундай баллиқлари тириклайин суратда олиш камдан кам инсонларга насиб этади. Яқинда «Хакүомару» инглиз-япон кемаси аъзолари Pseudoliparis amblystomopsis баллиғини жонли равишда суратга туширишга муваффақ бўлишди. Баллиқ Тинч океанининг 7700 метр чуқурлигиде суратга олинган. Антика баллиқ асосан Тинч океанининг жанубий ва шимолӣ қисмидан топилади. Экспедиция аъзоларининг айтишича, шилликсимон баллиқни суратга олиш осон кечмаган. Шу мақсадда улар қучли босимга доғ берувчи видеокамерадан фойдаланишларига тўғри келди.

Германия шимолидаги абадий музликлар билан қопланган Тирол тоғидан бундан 5300 йил илгари яшаган одамнинг мурдаси топилди. Мурда қора қимматбаҳо мумга ўралган эди. Патолог Эдуард Эгартер ва ҳамкасблари ушбу топилма устиди илмий-тадқиқот ишларини олиб боришди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, мурданинг бўйи 1,61 сантиметр, оғирлиғи 40 килограмм бўлган экан. Тадқиқотчилар музлатилган мурдан 10 даражали исциликка келтириш учун икки соат вақт сарфлашди. Эриган мурда устиди олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, қадимий аждодлар абадий музлатиш санъатини жуда яхши билган эканлар. Мурда махсус текширувдан ўтказилганда, унинг мулгако соғлом бўлгани, фақат тиши баъзида оғриб тургани маълум бўлди. Энг қизиғи, мурданин эракка ёки аёл жинсига мансублигини аниқлаш жуда қийин келди. Тадқиқотчилар унинг юз тузилиши, шунингдек, ёнидан топиладиган тақинчоқлари ўрганиб чиқиб, мурда эракка бўлган деб таҳмин қилишмоқда.

Американинг FANUC Robotics компанияси узок изланишлардан сўнг дунёдаги энг қучли — М-2000 IА 1200 роботини яратишга муваффақ бўлди. Шу кунга қадар «Энг қучли робот» мақоми немисликларн KUKA KR 1000 титан роботага тегишли эди. Айтиш жоизки, роботларнинг иқкови ҳам қучли. Қуруқ мушаклардан ташқари, улар суный интелект ва сенсор қурилмага эга. Улар мураккаб операцияларни амалга ошириб, энг оғир дамларда муқтаб қарорга кела олиши билан ажралиб туради. Мазкур роботлар асосан автомобиль йиғиши ва пайвандлаш ишларини бажариш учун мўлжалланган. Қолверса, роботларга юк ташин ҳам ўргатилган. Масалан, янги робот 1200 килограммгача бўлган юкни даст кўтара олади.

Искандар Зулқарнайн жангчилари «Хиндистонда шундай антика қамиш ўсадки, у асарисиз ҳам асал бераверади» деб хабар тарқатган экан. Бу — шакарқамиш эди. Мисрда шакарқамишни «Хинд тузи», Хитойда эса «тош асал» деб аташган. Шакарқамишдан тайёрланган қанд биринчи марта Россияга XVI асрда келтирилди. У подшога жуда манзур бўлганидан, ана шундай ширинлик юкланган қаровонлар Шарқдан Россияга томон кела бошлади. Бундай қанд дастлаб дорихоналардагина сотилган. Ушундан бир чакмоқ қанднинг нархи битта от қиймаტიга тенг бўлган. Кейинчалик Россияда қанд лавагадан қанд ишлаб чиқарадиган биринчи завод пайдо бўлди. Корхона бир йилда ниҳоят беш пуд қанд тайёрлаган.

Биринчи тикув машинасини ихтиро қилган кишига патент 1755 йили берилган бўлса-да, лектин бу машина аҳоли ўртасида кенг тарқалмади. Чунки унинг камчилиғи ниҳоятда кўп эди. XIX аср бошларида бир қанча мамлакатларда тикувчилар ишини энгиллаштирадиган машина ясашга ҳаракат қилинди. Англиялик Жеймс Пери ихтиро қилган (1808 йил) машинанинг ҳам чўки бир бахали, моқиси йўқ эди. Шу сабабли унинг ипидан торсангиз, ёки тикилган жойидан ийртмоқчи бўлсангиз, чўки осонгина сўқилиб кетаверди. Моқили биринчи тикув машинасини америкалик Элпас Хоу 1845 йилда кашф қилди. Унинг ишлаш тартиби шундан иборатки, чок баҳси пастандан иккинчи ип (моқи ип) билан маҳкамланади. Бундай чокни сўқиб осон эмас. Ҳозирги кунга қадар тикув машиналари ана шу усулда ишлайди.

Сан-Франциско ва Гавайи ҳудудларида яқин бўлган Тинч океанида чиқиндидан катта бир орол ҳосил бўлганлиғи аниқланди. Калифорниялик Крисс Перри ушбу оролда текширув ўтказганида у ерда ҳайвонлар борлигини аниқлаган. Крисс Перри шундай дейди: «50-йилларда ҳам ана шундай воқеа содир бўлганди. Ушбу чиқиндидан ҳосил бўлган оролни оғирлиғи эса 3,5 миллион тоннадан зиёд экан». Крисс Перрининг айтишича, чиқинди хатто олиб ташлаб бўлмас даражада йиғилган экан. Ҳозирда ушбу чиқиндидан тўпланган оролга янада тўхтамай чиқинди олиб келинмоқда. Келажакда бу катта бир талафотга олиб келиши мумкин.

Техас университетти олимлари қизик бир хулоса келиши. Улар ўз тадқиқотлари давомида, бактерияларни ген билан модификациялаш — дастурлар ёрдамида целлюлоза таркибининг ортинчи ҳамда ондан янги биоёқилғи — этанолнинг ҳосил бўлишига эришишди. Олимлар этанолни ҳосил қилиш учун асосан циано бактериаларни, генининг ўзгаририлишида эса гелсифат целлюлозадан фойдаланишган. Чунки ана шундай йул билан этанолнинг манбаи бўлган сахароза ва глюкозани аралаштириш мумкин.

Мақсуд ҚОРИЕВ

ИЛГАРИ ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК, ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКISTON ТЕРАПЕВТЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ СЪЕЗДИ БЎЛИБ ҲТДИ. ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКISTON ТЕРАПЕВТЛАР АССОЦИАЦИЯСИ, РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УШБУ ТАДБИР ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА ТИББИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИГА БАГИШЛАНДИ.

ЎЗБЕКISTON ТЕРАПЕВТЛАРИ АНЖУМАНИ

Съездда юртимиз шифокорлари, олимлар, тадқиқотчилар билан бирга Россия, Украина, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатлардан мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Иқромов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолиғида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш, аҳоли саломатлигини муштаҳамлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилади тасдиқлади.

Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиши янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармони асосида олиб борилаётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Аҳолига юқори малакали бепул шифохона тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилди. Айни пайтда Республика шифохона тиббий ёрдам илмий маркази, жарроҳлик, кардиология, кўз микрохирургияси ва урология соҳаларида энг замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган республика иختисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилди. Уларда юқори малакали мутахассислар мураккаб, юқори технология операцияларини амалга оширмоқда.

Республика иختисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази мутахассислари томонидан ички касалликлар бўйича аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Айни пайтда ички касалликларга ташхис қўйиш, даволаш, профилактика, тиббий реабилитация жараёнини сифат жиҳатдан янада юқори босқичга кўтариш, бу борадаги илмий-тадқиқотларни такомиллаштириш давр талабидир.

Ўзбекистондаги Республика шифохона тиббий ёрдам илмий марказида кардиология соҳасида махсус даволаш дастури муваффақиятли қўлланаётгани хорижда ҳам эътироф этилган, — дейди Россиянинг Новосибирск клиник кардиология диспансери бўлим раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Владимир Ганюков. — Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида изчил амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолига шифохона тиббий ёрдам кўрсатиш, иختисослаштирилган шифо масканларини замонавий даволаш ускуна ва жиҳозлари билан таъминлаш масалаларига қаратилаётган доимий эътибор бераётган юксак самараларга ҳавас қилса арзийди.

Съездда ички касалликлар профилактикаси, уларни ўрганишда фундаментал текширувлар, ички касалликлар диагностикасида янги технологиялар, артериал гипертензияси даволаш, сундуқли ўпка касалликлари, сепсиснинг замонавий диагностикаси каби мавзуларда маърузалар тингиланди ва муҳокама этилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗД мухбири

да салкам минг нафарга яқин ўқитувчи меҳнат қилмоқда.

Музыка ва санъат мактабларини ўқув услубий воситалари, адабиётлар билан таъминлаш, фан кабинетларини зарур қолғу асбоблари билан жиҳозлаш, ўқитувчилар, педагог-концертмейстерларни қайта тайёрлаш, уларнинг касб малакаси ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Бир ҳафта давом этган санъат байрами доирасида ўқувчилар Ўзбекистон Давлат консерваторияси, пойтахтимиздаги маданият ва санъат саройлари, болалар бадиий ижодиёти муассасалари фалояти билан танишдилар. Бастакорлар, музикашунослар иштирокида давра суҳбатлари, ижодий мулоқотлар, анжуманлар, маҳорат сабоқлари ўтказилди. болалар бадиий жамоалари ижросида концертлар ташкил этилди. Уларда музика ва санъат мактаблари ўқувчилари ижросида юртимиз ва хориж композиторларининг ижодидан намуналар янгради.

(ЎЗА)

2008 — Ёшлар йили

САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ЁШ АВЛОДНИНГ ИСТЪДОДИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КАМОЛ ТОПИРИШ, МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЁШЛАР ЙИЛИДА МАЗКУР ЙЎНАЛИШДАГИ ИШЛАР ҲАЖМИ ЯНАДА ОРТДИ.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан болалар музика ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Санъат ҳафталиги» да ўғил-қизлар ўз иқтидорини намойиш этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар музика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини муштаҳамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ёшларнинг миллий ва жаҳон музикасининг юксак намуналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шароит яратиш, бошланғич музика ташвими тизимини тубдан такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида шаҳардаги мавжуд ўқитиш болалар музика ва санъат мактаби маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси тизимида халқ таълими бош бошқармаси тасарруфида ўтказилди. Ҳозир олти минг олти юз нафардан ортиқ ўқувчи таъмин-тарбия олаётган ушбу музика ва санъат мактаблари-

да салкам минг нафарга яқин ўқитувчи меҳнат қилмоқда.

Музыка ва санъат мактабларини ўқув услубий воситалари, адабиётлар билан таъминлаш, фан кабинетларини зарур қолғу асбоблари билан жиҳозлаш, ўқитувчилар, педагог-концертмейстерларни қайта тайёрлаш, уларнинг касб малакаси ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Бир ҳафта давом этган санъат байрами доирасида ўқувчилар Ўзбекистон Давлат консерваторияси, пойтахтимиздаги маданият ва санъат саройлари, болалар бадиий ижодиёти муассасалари фалояти билан танишдилар. Бастакорлар, музикашунослар иштирокида давра суҳбатлари, ижодий мулоқотлар, анжуманлар, маҳорат сабоқлари ўтказилди. болалар бадиий жамоалари ижросида концертлар ташкил этилди. Уларда музика ва санъат мактаблари ўқувчилари ижросида юртимиз ва хориж композиторларининг ижодидан намуналар янгради.

ҲАЖ ЗИЁРАТИГА ТАРАДДУА

ҲАР ЙИЛИ МИНГЛАБ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЯРАТИБ БЕРИЛАЁТГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР БОИС ҲАЖ ИБОДАТИ АМАЛЛАРИНИ БАЖАРИБ КЕЛМОҚДАЛАР. БУ ЙИЛ ҲАМ УШБУ МУҲИМ ЗИЁРАТ АЛОҲИДА ТАЙЁРГАЛИК КЎРЎЛМОҚДА.

Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси томонидан Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ташкил этилган брифинг 2008 йилги Ҳаж сафарини амалга ошириш масаласига бағишланди.

Фуқароларимизнинг эътиқоди, виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини ҳаётга тадбиқ этиш масаласига республика миқёсда катта аҳамият бериб келинмоқда. Жумладан, Ҳаж ибодатини амалга ошириш учун кетаётган юртдошларимизга давлат томонидан қатор қўлайликлар яратилмоқда. 2008 йилда давлатимиз Президентини ташаббуси билан ташкил этилган Ҳаж ва Умара тадбирларини ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши томонидан муқаддас зиёратларни амалга оширишининг мувофиқлаштириб келинаётганлиги бунинг ёркин далили-

дир. Ҳар йили кўпгаб фуқароларимиз Мадинаю-Мунаввара, Маккаю-Мукаррамага бориб Ҳожи деган улуг номга эга бўлаётганлиғи фикримизни исботлаб турибди. Бу йил ҳам ушбу жараёнга пухта тайёргарлик қўрилди. Зиёратчилар Саудия Арабистони Подшоҳлиғига жорий йилнинг 21-29 ноябр кунлари жўнаб кетишади. 12-20 декабр кунлари эса уларнинг ватанимизга қайтиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиғи ўртасида имзоланган шартнома асосида жорий йил республикаимизнинг беш минг нафар фуқароси Ҳаж зиёратига боради, — дейди Ҳаж ва Умара тадбирларини ташкил қилиш масалалари бўйича Жамоатчилик кенгаши раиси О. Юсупов. — Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент-Мадина, Жидда-Тошкент

ҳамда Наманган-Мадина, Жидда-Наманган йўналишида зиёратчиларни ташвиш бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан шартнома тузган.

Тайёргарлик жараёнларида гуруҳ раҳбарлари билан Ҳаж сафарининг ўзига хос хусусиятлари юзасидан назарий ва амалий машғулотлар бўлиб ўтди. Зиёратчилар учун Ҳаж амалларини адо этиш ва Саудия Арабистони сафарини давомиди амал қилиши лозим бўлган талаблар ҳақида тўлиқ маълумот бериш мақсадида «Ҳажнома» китоби қўлланилган. Ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасида мутасаддилар, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган брифингда мамлакатимизда муқаддас шаҳарлар сари отланган зиёратчиларга яратилган шарт-шароитлар, уларнинг имкониятлари ҳусусида батафсил ва атрафлича маълумот берилди.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

Асрор бобо ўтин териб келай деб тоғ ёнбағридаги арчазорлар томон йўл олди. Хотини Онабиби мунжиклаб кетаётган эрининг орқасида: «Ҳой додаси, эҳтиёт бўлинг, тагин йиғитлигингиз тўти тоққа чиқиб юрманг», деб жавраб қолди.

Бобо ҳам ўзига етганча кайсар, «хўл» дедую, билганини қилди, қарангки ўтин териб, юриб-юриб бир гўшага келиб қолди. Қарасаки, ўша ердаги қайнар булоқдан иссиқина сув чиқиб ётибди, ёнгинасида эса сув тўла ховузча. Шоша-пиша қўлини ювди-ю «Эже, роҳати жонку» деб, у ёқ-бу ёқка қаради-да, ҳеч қим йўқлиғига ишонч ҳосил этгач, кийим-бошларини бир чеккага ечиб, ховузчага тушиб чалқанча ётиб олди. Роса маза эканку, бунақасини қайдан топасан, деб у ёқ-буёғини, бошларини юва бошлади.

Ҳақиқатан ҳам табиатан ушбу ҳаётбахш сувда қандайдир баданларни юмшатадиган, jisму урёнгиға хузур бахш этадиган ҳамда вужудини эзиб ётган қари суякларига ором берадиган қандайдир серхили куч борага ўхшарди. Кўрдики, шу топда ўзидаги қариллик ало-

матлари гўё кетаётгандай, кўзлари равшан тортиб, ҳаммаёқ чарогон бўлгандек туюлды. Чиндан ҳам бир мўъжиза рўй бердию, қучқувватга тўлиб ёш йигит бўлиб қолгандай сездди ўзини. Хурсанд бўлиб кетганидан, апил-тапил сувдан чиқиди, кийим-бошларини кийиб уйига томон чоғди.

Хонадонига кириб борганида ёстиқдоши эрини кўриб аввалига танимадди, хаёли бўлинди, гўё кўз олдида ўша бир вақтлар тўй кечаси гўшангада ўтирган қувё йигит намоён бўлгандай.

— Вой ўлмасам, ҳой йигит, кимсан ўзинг, шайтонмун, ё инс-жинсмисан? — Кампирининг ранги «қув» ўчиб кетган эди. — Мен, мен, кўркма, не кечди билмадим, эринг Асрорман, — деди йигит. — Сенга не бўлди, ё ажина чалиб кетдим? Қайда қолиб кетдинг ўзи? — Эсингинг йиғиб ол, кўркма, мен Асрорман, Оллоҳданми, ё бандасиданми бир мўъжиза рўй берди бекам, мўъжиза! — Довдизаяпсанми ўзи, қанақа мўъжиза? — Утир ёнимга, кўркма, эс-хушининг йиғиб ол.

Чол босиқлик билан ҳовлиқмай, бўлган воқеани бафуржа сўзлаб берди.

Кампирнинг яна ранги ўчиб кетди, боши айланди, эс-хушини йиғиб ололмасдан «Ла илоҳа иллаллоҳу» деб тинмай калима кеттирдиди.

— Вой ўлмасан, энди нима қиламиз?

ҚАЙНАР БУЛОҚ (Эртак ҳижоя)

— Нима қилардик, гап битта хотин, илгари қандай яшаган бўлса, кампиржон, тақдир экан, шундай яшайверамиз. — Ия, менчи, ўзинг йигит бўлволиб, энди нечун мени яна «кампир» дейсан! — Тақдир экан, деяпманку не ҳам қилардик, онахон. — «Кампир» эмиш, мен сенга энди «онахон» ҳам бўлиб қолдимми, қани кўрсат менга ҳам, ўша сувни, ўзи қаерда? Асрор ховлиқмай ҳаммасини бири-бири ётими билан тушунириб берди. — Мени ҳам ўзинг бош-

қузини қисиб: — Мен бир жойга бориб келай, дедию безаройиб турган қўшнисига: «Чиқиб кет», дегандай ишора қилди. Қўшнисини бўлса, парво ҳам қилмай қаршида турган хушрўй, қадди-баста келишган Асрор бобога хушомад-гўйлик қила бошлади.

— Ийқ, бўлмайти, бунга менинг ҳақим йўқ, ҳатто уни сенга кўрсатмаслигим ҳам керак, ховузчада ётганимда қулоғимга «ҳеч ким



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

“Баҳористон” дан

(Шоислом Шомухаммедов таржимаси)

Тан махрамидан ўзга бўлса

ҳамки ҳусндор,

Содиқ аёл қарамас бегонага бирор бор. Фалак ойи бўлса ҳам ҳуснда у ягона, Ҳаёли аёл доим бегонага бегона.

\*\*\*

Сўз айтиб, пушаймон егандан кўра, Унсиз ўлтирмакчи юз қарра афзал. Сирингни айтмаслик пушаймонлик йўқ Айтганлар пушаймон бўлар кўп маҳал.

\*\*\*

Ошкор қилмоқ лозим бўлмаган сўзни, Ҳушёрларга сўзлама осон. Сўзламаганингни сўзлай олурсан, Айтганини қайтармакча топилмас имкон.

\*\*\*

Қандай сир бўлмасин кўнглингда пинҳон Тез ва осонликча айлама баён.

\*\*\*

Ошкор этиб сўнгра чекма надомат, Пинҳон тутгил, майли бўлса аломат.

\*\*\*

Донолар наздида айтган, айтмаган, Сўз маъноси ушбу масалга кўчган: Ҳар иккиси ўқдир бири садоқда, Бири эса энди камондан учган.

\*\*\*

Кисро саройига донолар келиб, “Фалокат нима?” — деб қурдилар суҳбат. “Ғам мавжининг энг зўр тўлқини нима?” Жавобинми излаб, сурдилар ҳикмат. — Бетоблик ва андух, — деди биттаси, — Қарилқда йўқлик, очлик, бетоқат. Учинчиси деди: — Беаёв ажал, Дунё ишларидан ажратур соат. Бунинг сўзи бўлди барчага маъқул Йўқ дейишди, бундан оғир фалокат.

\*\*\*

Овқатнинг кўп-камин соғлигим хароб — Қилмасин деганлар, меъёрида ер. Бой қорни очганда гоҳи-гоҳида, Камбагал топганда ё борида ер.

\*\*\*

Куюк, суюк ҳар на топсанг уйингда, Тўйиб еб олганинг яхшидир бешак. Ўзгалар таомин ҳавас айлама, Пастлар хатосидан қоқиб кет этак.

\*\*\*

Мезбон деяверса “ноним” ва “ошим”, Ундай дастурхонга узатма кўлинг. Ковурмасидан ўз кашинчинг яхши, Ундайлар уйига тушмасин йўлинг...

\*\*\*

Хуш ҳаёт омили бешга етади Барча доно шунга қилур ишорат. Соғлиғу омонлик, ҳам фаровонлик, Яхши суҳбатдош дўст, дилга фароғат.

\*\*\*

Донолар наздида шуни неъмат бил, Жон ундан абадий ололса сурур. Олтин, кумуш эса, сен гўрга киргач, Оддий тош мисоли ҳар ерда қолур.

\*\*\*

Баланд мансаб тепасида ҳам, Илм оширмоқ фикрин ҳар дам, Мансаб билан баландмас одам, Мансаб одам билан муҳтарам.


\*\*\*

Уч иш қоралар ҳақим қалами; Тезлик қилса қудратли подшо, Ҳасис бўлса бадавлат киши, Молу мулкка ҳирс кўйса доно.

\*\*\*

Агар чикса адолатнинг қуёши, Таралғай ҳар томон нури, зиёси. Агар зулм этса золим, бу ситамдан Жаҳон бўлғай қаро, йўқ интиҳоси.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



Анжуманлар

ДАСТУР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР, ЁШЛАР ЙИЛИ ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАНЛИГИДА ҲАМ ЁРҚИН НАМОЁН БЎЛМОҚДА.

Юрт келажиги ёшлар қўлида экан, уларни ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват инсон бўлиб воғга етишлари, турли хил алдовларга учиб нотўғри йўللарга кириб қолишларининг олдини олиш, аср вабосига айланган ОИТС каби касалликларнинг ёмон оқибатлари ҳақида ёшларга батафсил маълумотлар бериш мақсадида шахримизнинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида турли хил анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Яқинда ана шундай анжуманлардан бири Саломатлик ва тиббий статистика институти томонидан Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейида бўлиб ўтди. «Одам савдоси ва ОИТСнинг олдини олиш» мавзусида бўлиб ўтган тадбирда Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали, Учтепа тумани Саломатлик маркази, мазкур туман марказий поликлиникаси мутахассис шифокорлари, туман ИИБ вакиллари ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

Юрт келажиги ёшлар қўлида экан, уларни ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват инсон бўлиб воғга етишлари, турли хил алдовларга учиб нотўғри йўлларга кириб қолишларининг олдини олиш, аср вабосига айланган ОИТС каби касалликларнинг ёмон оқибатлари ҳақида ёшларга батафсил маълумотлар бериш мақсадида шахримизнинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида турли хил анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Яқинда ана шундай анжуманлардан бири Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали, Учтепа тумани Саломатлик маркази, мазкур туман марказий поликлиникаси мутахассис шифокорлари, туман ИИБ вакиллари ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

Юрт келажиги ёшлар қўлида экан, уларни ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват инсон бўлиб воғга етишлари, турли хил алдовларга учиб нотўғри йўлларга кириб қолишларининг олдини олиш, аср вабосига айланган ОИТС каби касалликларнинг ёмон оқибатлари ҳақида ёшларга батафсил маълумотлар бериш мақсадида шахримизнинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида турли хил анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Яқинда ана шундай анжуманлардан бири Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали, Учтепа тумани Саломатлик маркази, мазкур туман марказий поликлиникаси мутахассис шифокорлари, туман ИИБ вакиллари ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: анжумандан лавҳалар

Дарвоқе, ҳар бир инсон ўзига «Мен ўзим яшаб умр кечириётган жамият учун, инсонлар учун бирон бир яхшилик қилдимми, ўзимга қандай қасб танладим-ки, бу танлаган қасбим орқали бирон бир ёрдамга муҳтож инсонларга ёрдам кўрсата олдими?» деган саволларни бериши ва бу саволларга ижобий жавоб топа олса, озгина бўлса ҳам инсонларга кўмаклашса нур устига аъло нур бўлади. Бизнинг қўндалик ҳаётимиз турли тусдаги Фавкуллода вазиятлар билан боғлиқдир. Шундай экан, ҳар бир соҳа вакилларининг ўзига яраша вазифаси бўлгани каби, Фавкуллода вазиятлар тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ҳам ўз вазифалари мавқуд. Фавкуллода вазиятлар тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлардан жасоратли, матонатли, фидойи, дунёқарашли ҳар томонлама юқори бўлишлиги муҳим аҳамият касб этади. Чунки тизимда фаолият кўрсатаётган ходимлар зиммасига инсонлар ҳаёти ва яшаб келаётган муқаддас заминимиз тинчлиги ва оқойишталигини муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифа юклатилгандир. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри нафақат республика балки ривожланган мамлакатлар орасидаги иқтисодий жиҳатдан тараққий этган шаҳарларнинг биридир. Пойтахтимизда қанчадан қанча халқ ҳўжалиги объектлари, муассасалари, корхоналари (мулкчилик шаклидан қатъи назар) фаолият юрита-

Дарвоқе, ҳар бир инсон ўзига «Мен ўзим яшаб умр кечириётган жамият учун, инсонлар учун бирон бир яхшилик қилдимми, ўзимга қандай қасб танладим-ки, бу танлаган қасбим орқали бирон бир ёрдамга муҳтож инсонларга ёрдам кўрсата олдими?» деган саволларни бериши ва бу саволларга ижобий жавоб топа олса, озгина бўлса ҳам инсонларга кўмаклашса нур устига аъло нур бўлади. Бизнинг қўндалик ҳаётимиз турли тусдаги Фавкуллода вазиятлар билан боғлиқдир. Шундай экан, ҳар бир соҳа вакилларининг ўзига яраша вазифаси бўлгани каби, Фавкуллода вазиятлар тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ҳам ўз вазифалари мавқуд. Фавкуллода вазиятлар тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлардан жасоратли, матонатли, фидойи, дунёқарашли ҳар томонлама юқори бўлишлиги муҳим аҳамият касб этади. Чунки тизимда фаолият кўрсатаётган ходимлар зиммасига инсонлар ҳаёти ва яшаб келаётган муқаддас заминимиз тинчлиги ва оқойишталигини муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифа юклатилгандир. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри нафақат республика балки ривожланган мамлакатлар орасидаги иқтисодий жиҳатдан тараққий этган шаҳарларнинг биридир. Пойтахтимизда қанчадан қанча халқ ҳўжалиги объектлари, муассасалари, корхоналари (мулкчилик шаклидан қатъи назар) фаолият юрита-

Дарвоқе, ҳар бир инсон ўзига «Мен ўзим яшаб умр кечириётган жамият учун, инсонлар учун бирон бир яхшилик қилдимми, ўзимга қандай қасб танладим-ки, бу танлаган қасбим орқали бирон бир ёрдамга муҳтож инсонларга ёрдам кўрсата олдими?» деган саволларни бериши ва бу саволларга ижобий жавоб топа олса, озгина бўлса ҳам инсонларга кўмаклашса нур устига аъло нур бўлади. Бизнинг қўндалик ҳаётимиз турли тусдаги Фавкуллода вазиятлар билан боғлиқдир. Шундай экан, ҳар бир соҳа вакилларининг ўзига яраша вазифаси бўлгани каби, Фавкуллода вазиятлар тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ҳам ўз вазифалари мавқуд. Фавкуллода вазиятлар тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлардан жасоратли, матонатли, фидойи, дунёқарашли ҳар томонлама юқори бўлишлиги муҳим аҳамият касб этади. Чунки тизимда фаолият кўрсатаётган ходимлар зиммасига инсонлар ҳаёти ва яшаб келаётган муқаддас заминимиз тинчлиги ва оқойишталигини муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифа юклатилгандир. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри нафақат республика балки ривожланган мамлакатлар орасидаги иқтисодий жиҳатдан тараққий этган шаҳарларнинг биридир. Пойтахтимизда қанчадан қанча халқ ҳўжалиги объектлари, муассасалари, корхоналари (мулкчилик шаклидан қатъи назар) фаолият юрита-

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

ФАСЛАР ОРАСИДА ОЛТИН КУЗНИНГ ЎРНИ ЎЗГАЧА БЎЛАДИ. ТАБИАТ ОЛТИН РАНГДА ТОВЛАНИБ КЎЗНИ ҚУВОНТИРАДИ ВА АСТА-СЕКИН ЎЗ ЎРНИНИ ҚИШГА БЎШАТАДИ. БУ ВАҚТДА ДАРАХЛАРНИНГ БАРГЛАРИ ЕНГИЛ ШАБАДАДА ҲАМ «ЧИРТ» УЗЛИБИ ТУША БОШЛАЙДИ. ҚАРАБСИЗКИ, ҲАЗОНЛАР ЕРГА ГИЛАМДЕК ТЎШАЛАДИ. МИНГ АФСУСКИ, БУ ҲАЗОНЛАР ФАРРОШЛАР ТОМОНИДАН СУПУРИЛИБ ТЎПЛАНСАДА ҲАР ДОИМ ҲАМ ЙИҒИБ, ҲОЛИ ЖОЙГА ОЛИБ КЕТИЛМАЙДИ. ЭНГ ЁМОНИ, ТЎПЛАНГАН ҲАЗОНЛАРНИНГ БАЪЗАН УЙИНҚАРОҚ БОЛАЛАР ТОМОНИДАН ЁҚИБ ЮБОРИЛИШИ КЎПГИНА КЎНГИЛСИЗЛИКЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ.

Масалан, Ҳамза туманида ҳам фуқароларга қарашли гаражлар анча-мунча кўп. Улар орасига йиғилиб қолган ҳазон уюмларининг айрим ҳолларда болалар томонидан ёқиб юборилиши натижасида олов гараж ичига ўтиб, автоуловларнинг ёниб кетишигача бўлган кўнглисиз ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Нам ҳазонлар тез ёниб кетмасдан аччиқ тутун чиқариб узоқ тутаётди. Бу фақатгина борлиқни захарлаб қолмай, беморларнинг кўпайишига, айниқса астма касаллигига мубтало дардмандларнинг нафас олишга қийналишларига олиб келади. Юқоридаги каби кўнглисизликларнинг албатта, содир бўлмаслиги мумкин. Агар ҳар биримиз ўзимизнинг оддий фуқаролик бурчимизни бажариб, аввало мавқуд ҳазонларни махсус жойларга олиб бориб ёки кўмиб ташлашга бош-бош бўлсак, кўчада юрган болаларнинг уйиңқароқ хатти-ҳаракатларига лоқ-қайд қарамай уларни назоратсиз қолдирмасак, қисқиси ёнғин хавфсизлиги қўдаларига астойдил риоя қилинишни таъминласак, тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, ўзимиз ва фарзандларимиз хавфсизлигини таъминлаган бўламиз.

Дарҳақиқат, фарзандларимиз тарбиясига эътибор қаратайлик. Уларнинг соғлом, бақувват бўлиб ўсишлари бизнинг қўлимиздадир. Озгина эътиборсизлик қилиб, фарзандларимиз соғлиғига, қиройига зарар етказгандан кўра бугун шу нарсага қарши биргаликда кураш олиб борганимиз маъқулроқ. Ҳамза тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими яна бир бор еслатиб ўтади — ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осондир.

Анвар ТУРАХОНОВ, Ҳамза тумани бўйича ДЕН инспектори, катта лейтенант

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

18 НОЯБРЬ, СЕШАНБА Мунажжимларимиз бугун махфий билимларни эгаллаш учун интилишлар муваффақиятли бўлишини билдиришган. Донолик, мақсад чўққиларига эришиш, ўз табиати ва илдишларини идрок этишинг айна пайти бугун. Транспорт воситалари билан боғлиқ амалиётлар, никоҳ маросимлари, сафарнинг бошланishi, жисмоний машқлар бугун хайрли бўлиши кутилади.

Касалликдан сўнгра бемор тезроқ тузала бошлайди. Мунажжимлар бугун албатта ҳалол, соф виждонли ва одил бўлишга даъват этишган. Бу йўлдан ҳар қандай чалғиш келажакда омадсизликка учрашингиз ҳамда жиддий нохушлиқлар домига тушиб қолишингизга сабаб бўлиши мумкин. Куннинг биринчи ярмида пешоб йўллари ва тўғри ичакда инфекцияли касалликларнинг зўрайиши кузатилиши мумкин. Куннинг иккинчи ярмида эса, турли жароҳатлар олиш эҳтимоли катта бўлиб, жиддий эҳтиёткорликни талаб этади. Бод ва кўймиш нерви хасталиги хуруж қилиши эҳтимоли бор. Нафас олиш машқлари ва суви билан боғлиқ миолажалар қўтилган натижани бериши мумкин. Тушларингиз башоратли ва улар учинчи-тўртинчи кунга бориб ўнгингизда содир бўлиши кутилади.

Футбол ЁШЛАРИМИЗ — ОСИЁДА ИККИНЧИ

САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН — БАА ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ ФИНАЛ УЧРАШУВИ АЙТИШ ЖОЗКИ, МУТАХАССИСЛАРУ МУХЛИСЛАРДА КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ.

Чунки ҳар икки терма жамоа финалгача сермазмун уйин намойиш этишиб китъанинги кучли саналган терма жамоаларини ҳам енга олишган ва ҳақли равишда финал йўлланмасини қўлга киритишган эди.

Шу боис ҳам мутахассислар қайси терма жамоа финалда ғалаба қозонишини башорат қила олишмади. Дарҳақиқат, учрашув қизиқарли кечди. Гоҳ араблар, гоҳ ҳамюртларимиз уйин давомида ташаббусни ўз қўлларига олишди. Лекин, жисмонан бақувватроқ бўлган араблар кўпроқ ҳужумда, ҳамюртларимиз қарши ҳужумда тўп сурганликларини таъкидлаш лозим. Хуллас, шу зайлда кечган беллашувнинг 33,71-дақиқаларида Аҳмад Халил томонидан киритилган икки тўпга терма жамоамиз аъзоси Ҳенжа Тўраев дарвозага 64-дақиқада йўллаган ягона гол билан ҳамюртларимиз жавоб қайтаришди.

Учрашув 2:1 ҳисобида БАА ёшлар терма жамоасининг ғалабаси билан якунланган бўлсада, Аҳмад Убайдуллаев шогирдларининг аjoyиб ва умидбахш уйинларига кўпчилик мутахассислар юқори баҳо беришгани рост гап. Шундай қилиб Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионатининг қумуш медалларига сазовор бўлди.

Биз Ўзбекистонлик мухлислар номидан ҳамюртларимизни ушбу муваффақият билан қутлаймиз. Уларга жаҳон чемпионати мусобақаларида омад ёр бўлишини тилаймиз.

Теннис

АЛЕКСАНДРА — КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

ҲИНДИСТОНДА ТЕННИС БЎЙИЧА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ. Дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатларидан келган ракетка усталари қаторида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Александра Колесникова дастлабки учрашувни ғалаба билан бошлади. Жанубий кореялик Ха Су Ким билан Александра Колесникова ўртасида ўтказилган учрашув икки соат давом этиб 6:2, 6:4 ҳисобида ҳамюртимизнинг ғалабаси билан якунланди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармасида ходимларнинг Ватан мустақиллигининг асл моҳиятини англаши, бой тарихий меросимиз ва миллий урф одатларимиз, қадриятларимизни эъозлаш каби фазилатларни ривожлантиришда «Маънавият ва маърифат» машғулотларини ўтказиш муҳим ўрин тутмоқда. Бошқармада мунтазам равишда шахсий таркибнинг маънавий ва маърифий билим савиясини ўстириш, буюк аждодларимиз тарихини ўрганиш, дунёда содир бўлаётган ахборотлар билан таништириш борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. 2008 йилнинг ўтган ойлари давомида бошқармада 20 дан ортиқ турли маззуларда «Маънавият ва маърифат» ўқув машғулотли ўтказилди. Машғулотлар давомида Тошкент шаҳар Маънавият тарғиб маркази ходимлари билан биргаликда бир неча мартада кизиқарли учрашувлар ташкил этилди. Ушбу ўтказилаётган тадбирлар шахсий таркибнинг Ватанга садоқат билан хизмат кўрсатиши, ўз касбининг эгаси бўлиб етишиши, жасур, матонатли бўлиши, миллий қадриятларимизни эъозлаши ва бошқа шу каби фазилатларини ўзларида муҷассамлаштиришларига хизмат қилмоқда.

Саломат СУЛТОНОВА, Фавкуллода вазиятлар бошқармаси кадрлар ва тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошириб бериш тартибиде бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади! 1.2008 йил 23 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилири бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 25.06.2007 йилдаги 10-0705/4614-сонли иқро варақасига асосан хатланган, қарздор «SOMYA-LUX» ХФ га тегишли, Сергели тумани, Кўйлик-5 «Б» мавзе, 26/1-йи манзилида жойлашган, бир қаватли, майдони 224 кв.м. бўлган, 1989 йилда қурилган, савдо дўқони биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 57.504.783 сўм. 2. Шунингдек 2008 йил 9 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига такроран, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилири бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 09.07.2007 йилдаги УСК-1-356-сонли иқро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХ автомашиналарни сақлаш жойида сақланаётган, «ГАЗ-33021212» русумли, д/р Х345V2M бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 13.500.000 сўм. Мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган замон талабгорлар асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда тўлов ҳужжатида иқро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф.даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тулашлари шарт. МФО: 00901, ИНН:200933850, х/р:2021000500571452105, Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразабоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52 www.rkmb.uz

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3282 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.